

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 700-ҳадис

1. Собит ва Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Анас: «Болалар билан бирга ўйнаётсан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
васаллам олдимга келиб, бизга салом бердилар ва мени бир иш билан
жўнатдилар. Онамнинг олдиларига кечикиб келдим. Келганимда онам:
«Нега ушланиб қолдинг?» деди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам
мени бир иш билан юборгандилар», дедим. У: «У зотнинг ишлари нима
экан?» деди. «Бу сир», дедим. Онам: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
васалламнинг сирларини хеч кимга айтмагин!» деди.

Анас: «Эй Собит, Аллоҳга қасамки, уни бирор кишига айтсан, сенга айтган бўлар эдим», деди».

Имом Муслим ривояти. Имом Бухорий эса баъзисину қисқа ҳолатда ривоят қилган.

Манба: hadis.islom.uz



